



ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТИНГЛОВЧИ КУРСАНТЛАРИНИ ОИЛА ҲАЁТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

К. К. Қодиржонов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳарбий тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада тингловчи-курсантларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, эрнинг хотинига бўладиган муомаласи, хотиннинг эр олдидаги мажбуриятлари ҳамда оиладаги ижтимоий муносабатлар ва ёш оиланинг маънавий жиҳатлари, ота-оналарнинг фарзандларига ўғитлари ва тарбиялаш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Тингловчи-курсантлар, ҳарбий хизматчилар, ёш оила, аёл ва эркек, ҳаётга тайёрлаш, оила муқаддас маскан, ҳозирги замон оиласи.

Кириш. Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам Ўзбекистон ўз истиқболи ва келажагини оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани миллий кадрият ва анъаналаримизни сақлаган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани барчамизга маълум. Зеро давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек “Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади”[1].

Оила – ижтимоий ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини, тарбиянинг узлуксизлигини таъминлайдиган, келажак авлод, кадриятлар тизимига ўз таъсирини кўрсатадиган ижтимоий макондир.

Оила эркек ва аёл ўртасидаги расмий никоҳга асосланган, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлардан ташкил топган, жамиятнинг ахлоқий меъёрлари ва қоидалари қўллаб-қувватланадиган, инсоният маданиятини келажак авлодга етказиб берадиган ва уни ривожлантирадиган бирламчи ижтимоий гуруҳдир.

Оила қуриш масаласи ҳар бир инсон ҳаётида улкан воқеа ҳисобланади. Бўлажак офицер сифатида олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчи-курсантлари ҳаёти ва фаолиятида ҳам оила муҳим аҳамиятга эгаллиги яққол номоён бўлади. 4-5 йил давомида казарма шароитида таҳсил олиш, қарама-қарши жинс вакиллари билан бевосита мулоқотнинг камлиги уларда оила ва оила қуриш, жинсий муносабатлар ҳақидаги билим, кўникма ва тушунчаларни етарли даражада эгаллай олмасликлари сабаб бўлади. Натижада олий ҳарби таълим муассасасини тамомлаган ёш офицерларнинг турмуш ўртоқ танлашларида ва оилавий муносабатларни амалга оширишда муаммолар юзага чиқмоқда. Айрим ҳолларда ёш офицерлар ўзларига нисбатан ёши катта, муқаддам турмуш қурган, бева аёллар билан ишқий муносабатлар ўрнатишга ҳамда носоғлом жинсий ҳаёт тарзига йўл қўядилар. Бундай носоғлом муҳит уларнинг хизмат фаолиятларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). В.П. Левкович томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, ёшлар орасида никоҳнинг барқарорлигини асраш, унга салбий таъсир қиладиган омиллар ва никоҳгача бўлган шеригини ҳаёти тарзини билиш ва унга тўғри муносабатда бўлмаслик ҳамда оилавий муносабатлар ҳақидаги тушунчалар



жуда паст эканлиги ноқонуний никоҳни вужудга келишига сабаб бўлмоқда [2].

Е. А. Туринцева, Россия Федерацияси олий ҳарбий таълим муассаларида курсантларни оила қуришга тайёрлаш ишлари йўлга қўйилмаган. Бундан фарқли равишда Америка Қўшма Штатларида курсантларни оила қуришга тайёрлаш тизими мавжуд. АҚШда ушбу ишлар руҳонийлар томонидан амалга оширилади. Ҳарбий хизматчилар турмуш қуришдан олдин бўлажак рафиқалари билан махсус курслардан ўтишади. Курслар якунида улар билан оила қуришга тайёрлик даражаси текширилади. Курсни мувофақиятли тамомлаганларга турмуш қуриш учун руҳсат берилади. Бундай усул АҚШ ҳарбий хизматчилари ўртасида ажримларнинг камайишига сабаб бўлган [3].

Мамлакатимиз олим ва тадқиқотчиларидан Ф.А. Акрамова ва З.Б. Билолова томонидан курсант ҳамда муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оила ҳақидаги тасаввурларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган. Улар томонидан курсант ва муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида ташкил этилган сўровнома жавоблари таҳлил қилинганида, респондентларнинг берган жавобларида фарқли жиҳатлар кўзга ташланган. Жумладан, “оилада “эркак – аёл”, “қайнона – келин”, “ота – она – фарзанд” муносабатлари борасида берилган саволларга курсантлар эркак киши оила ва фарзандлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш, оилавий муносабатларни тартибга солиши лозимлигини, аскарлар эса, оиладаги мўътадил психологик муҳит учун бўлажак турмуш ўртоғи ва онаси масъул эканлигини маълум қилишган. Жавоблардаги фарқли жиҳатнинг сабаби ўрганилганида, курсантларга ўқув дастури асосида “Оилавий муносабатлар психологияси” фани ўқитилиши, улар аскарлардан фарқли равишда ақлий ва жисмоний меҳнат билан доимий равишда бандлиги ҳамда бадиий адабиётлар мутолаа қилишлари маълум бўлди. Булар ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ўқитиш лозимлигидан далолат беради [4].”

О.М. Лугавая ушбу муаммо бўйича олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари орасида ўтказилган социологик тадқиқот натижасида курсантларнинг 91 фоизи олий ҳарбий ўқув юртларида оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳақида билим берилиши ниҳоятда зарурлигини билдиришган [5].

Оила – миллий қадриятлар ошёни, қайсики оилада ота-она хурмати жойида бўлса, қайнона келин муносабатлари рисоладагидек бўлса, келин куёв бир-бирларига меҳр-муҳаббатли бўлса, оиладаги катта-кичик оқибатли бўлсагина, миллий урф-одат ва қадриятларимизни қадрлаган бўламиз. Шундай экан биз биринчи навбатда ёшларни оилага тарбиялашни мақсад қилиб олишимиз керак. Қизларни ҳам йигитларни ҳам катта ҳаёт остонасига тайёр ҳолатда кирсагина жуда кўплаб келгусида пайдо бўладиган муаммоларни олдини олган бўламиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчи курсантларини оила қуришга тайёрлаш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, тингловчи курсантларнинг оила ва оила муносабатларга оид бўлиб ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида қуйидагилар тавсия этилади.

1. Олий ҳарбий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Маҳалла ва оила тадқиқот институти ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда тингловчи курсантлар ва бошқа тоифадаги ёш ҳарбий хизматчилар ҳамда ходимлар учун “Ёш ҳарбий хизматчилар ёки ходимларни оила қуришга тайёрлаш хоналари”ни ташкил этиш, ушбу хоналарни зарурий услубий ва илмий адабиётлар билан бойитиш, мутахассислар иштирокида оила мавзусига



бағишланган суҳбат, махсус тренинглар ўтказиб бориш;

2. Тингловчи курсантларга мустақил таълим жараёнида оила ва оилавий муносабатлар тарбиясига оид адабиётларни мутолаа қилишлари юзасидан тавсиялар бериб бориш;
3. Оила қуришга тайёрлашда диний маърифатнинг ўрнини инобатга олган ҳолда, олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчи курсантлари ўртасида диний уламолар иштирокида учрашувлар ташкил этиш.
4. Олий ҳарбий таълим муассаларининг битирувчи босқич тингловчи курсантлари учун “Оилавий муносабатлар психологияси”, “Оила педагогикаси” махсус курсларини ташкил этиш ва курс якунида уларнинг оила қуришга тайёрлик даражаларини аниқлаш мақсадида тест синовларини ўтказиш ҳамда натижалари бўйича кейинчалик биринчи хизмат жойларига юбориш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, олий ҳарбий таълим муассасаларида тингловчи курсантларни оила қуришга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилар экан, уларнинг таълим муассасаларини тамомлаб катта ҳаёт остонасида ўзларининг мустақкам ўринларини топишларига ҳамда бахтли ва мустақкам оиланинг соҳибига айланишлари кафолатланади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

1. **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси – мустақкам оила тянчи:** Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2022 йил 12 май). – Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022.–3-Б.
2. Лекович В.П. (2010) Особенности добрачного периода жизни супругов как одна из причин стабилизации и дестабилизации молодой семьи //Знание. Понимание. Умение. №4. С.249-256.
3. Турницева Е.Н. Особенности становления и развития семьи военнослужащего в условиях закрытой социальной системы: Автореферат...канд. Соц. Наук. М.:2011. – С.20.
4. Акрамова Ф.А., Билолова З.Б. Социально-психологические аспекты подготовки молодежи к семейной жизни // <https://elar.urfu.ru/bitstream/pdf> – С. 263-270.
5. Лугавая О.М. педагогические условия формирования профессиональной готовности специалистов по социальной работе с военнослужащими и членами их семей: на материалах Ставропольского края: Автореф. Дис... канд. пед. наук. – Ставрополь, 2004 // <http://www.studmed.ru.lugaraya.om.pedagogicheskiy.usloviya>.